

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА
МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВА НАЙЛЯ МУРАДОВНА

**АҲОЛИ ИСТЕЪМОЛИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 - «Макроиқтисодиёт»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/Iqt.6 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каримова Дилдора Мирсабитовна**
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Усманов Анвар Саидмахмудович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хашимова Наима Абитовна
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. E-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. E-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ЯИМ ўсиш суръатлари барқарорлигининг сустрлашуви кузатилаётган шароитда, инқироздан кейинги даврда истеъмол талаби ҳажми иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб, у макроиқтисодий тартибга солиш инструментларига таъсирчандир. Бундан ташқари, жаҳон мамлакатлари макроиқтисодий сиёсатидаги узоқ муддатли барқарор ривожланиш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) масалалари ечимига қаратилган туб бурилишлар натижасида иқтисодий ўсишнинг ижтимоий ва таркибий жиҳатларига катта эътибор қаратилиб, уй хўжаликлари истеъмоли динамикаси ва таркиби иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши омили сифатида фаол тадқиқ қилинмоқда. Ривожланаётган давлатларда (норасмий иқтисодиёт улуши катта бўлган) турмуш даражасини тўлақонли акс эттириш ва БРМга эришилганлик даражасини баҳолаш учун даромад кўрсаткичларидан истеъмол кўрсаткичларига ўтиш тавсия қилинган ва бундай амалиёт умумжаҳон даражасида тан олинган¹.

Жаҳонда аҳоли турмуш даражаси ва истеъмолини прогношлаштириш, фаровонлигини ошириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган. Бунда аҳоли турмуш даражасини баҳолашда даромадларини ҳисобга олмасдан, жорий истеъмол, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражаси, кўчмас мулкка ва молиявий активларга эгалик қилиш каби моддий таъминотни субъектив баҳолашнинг номонетар ўлчовларига асосланган ёндашувлар кенг тарқалмоқда. Жумладан, назарий концепцияларни эмпирик текшириш асосида уй хўжаликлари истеъмол қонуниятларининг ўзгариши сабабларини тадқиқ қилиш, иқтисодий тизимни ривожлантириш шартларига услубий ёндашувлар мажмуасини ишлаб чиқиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг товар ва хизматлар истеъмоли билан уйғунлигини акс эттириш учун уй хўжаликлари хатти-ҳаракатларининг турли жиҳатларини моделлаштириш инструментларини ишлаб чиқиш ва янги ёндашувларга асосланган прогноз параметрларини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш ҳисобланади. Ҳукумат манзилли ижтимоий ҳимоя механизмларидан фойдаланишга, хусусан, аҳоли даромадлари ва жон бошига ҳақиқий истеъмол даражаси дифференциациясини қисқартиришга ҳамда шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини барқарор ошириб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йилда ишлаб чиқилган, ҳукуматнинг ўрта муддатли истиқболга йўналтирилган дастури асосини ташкил қилган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар

¹ Stiglitz, J. E., A. K. Sen and J.-P. Fitoussi (2009). Report by the Commission on the Measurement of Economic Performance and Social Progress

стратегияси»да² асосий устувор йўналиш сифатида ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш белгиланган. Шунингдек, ижтимоий соҳадаги ислохотларни иқтисодиётдаги инновацион ривожланиш, модернизация ва таркибий ўзгаришлар жараёни билан уйғунликда давом эттириш ҳамда ижтимоий соҳани молиялаштиришда давлат иштирокини ислох этиш кўзда тутилган. Бу масалаларни ҳал қилиш учун узоқ муддатли иқтисодий ўсишга мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг такомиллаштирилган ёндашувлари, унга ҳамоҳанг уй хўжаликлари истеъмоли динамикаси ва таркибидан ҳамда унга мос макроиқтисодий моделлар доирасидаги прогнозлардан фойдаланиш зарур.

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3782-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги» ВМҚ-55-сонли, 2017 йил 19 сентябрдаги «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни яқунлашнинг янги концепциясини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-74-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-841-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация ишини тайёрлаш жараёнида уй хўжаликлари истеъмоли қонуниятларини аниқлаш масалалари билан шуғулланган муаллифларнинг илмий ишлари ўрганилди. Жумладан, истеъмомчининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш мақсадида талаб функциясида даромад омилининг таъсирини А. Маршал, Д. Хикс, Ж. Кейнс, М. Фридман, И. Фишер, Ф. Модильянилар тадқиқ қилганлар. Вақтлараро танлов модели доирасида истеъмом функциясининг тузилишини вақт қаторлари асосида М. Флавин, Р. Холл, О. Бланшар, Дж. Кэмпбелл ва Г. Мэнкью каби олимлар, уй хўжаликларининг бюджет сўрови маълумотлари асосида О. Аттанасио, Дж. Паркер, Р. Холл ва Ф. Мишкин томонидан

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал

ўрганилган. Алоҳида товарлар гуруҳига талаб функциялари тизимини моделлаштиришга бағишланган тадқиқотлар орасида К. Алмон, Р. Стоун, Л. Кристенсенлар ҳамда уй хўжаликлари талабининг аниқ агрегациясини ўтказиш имкониятини яратган, талабнинг деярли идеал тенгламаси (almost ideal demand system, AIDS)ни таърифлаган, 2015 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган Ангус Дитон ишлари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади³. Истеъмол харажатлари баланс моделларининг турли модификацияси олимлардан В. Леонтьев, Л. Вальрас ишларида, ижтимоий счетларнинг матрицали моделлари кўринишида – G. Pyatt, J. Round, S. Robinson, E. Thorbecke, Bottiroli C., Targetti L., Sugata G., Pal S, Jami H., Achjar N., Hewings J., M. Sonis, Saari M., Dietzenbacher E., Los V. ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Ўтиш даври иқтисодиёти бўлган мамлакатларда молиявий оқимларнинг макроиктисодий таърифи ва ижтимоий счетларнинг матрицасини куриш билан боғлиқ экспериментал характерга эга оригинал баланс курилмалар А.Р. Белоусов, Е.А. Абрамова, Н.Н. Михеева, Г.М. Абдыкулов, Ф.Н. Клоцвог, А.В. Суворов, Н.Г. Захарченко ва бошқа олимлар ишларида атрофлича ўрганилган.

Ўзбекистонда аҳолининг якуний истеъмолини, даромадларнинг шаклланиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишни прогноз қилишнинг макроиктисодий жиҳатлари турли халқаро ташкилотлар ва қатор юртимиз олимларидан Қ.Х. Абдурахмонов, А.Ш. Бекмуродов, Б.Б. Беркинов, И.И. Искандеров, А.В. Ваҳобов, Х.А. Жалилов, Д.М. Каримова, М.С. Қосимова, Н.М. Махмудов, Х.С. Мухитдинов, Г.К. Саидова, Б.Х. Умурзоқов, М.А. Хакимова ва бошқа олимлар⁴ томонидан кенг тадқиқ қилинган. МҲТни шакллантириш ва прогнозлаштиришнинг эконометрик моделлари масалалари Р.А. Алимов, Б.К. Ғойибназаров, Х.М. Мурадова, Д.А. Муинов, О.Х. Хамираев, С.В. Чепель, Т.Ш. Шодиев каби олимлар

³ Deaton A. Demand Analysis // Handbook of Econometrics, Ch. 30. - North-Holland, 1998

⁴ Абдурахманов К.Х. Повышение уровня и качества жизни – залог процветания и благополучия страны. Повышение благосостояния населения – залог процветания и благополучия страны: сборник научных трудов. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013 г. – 136 с.; Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. – Т.: 2005. – 310 б; Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. –Т.: Akademiya, 2007. -198 б; Ваҳобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. – Т.:, 6/2011. 38-42 б; Ваҳобов. А.В. Денежные доходы и расходы населения в системе макроэкономических показателей развития экономики и роста благосостояния. // Экономический вестник Узбекистана. 2001. № 1. С.11–12; Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиктисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. – Т.: 2016, №3. -Б.2–8; Джалилов Х.А. Истеъмол сарфлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усулларни такомиллаштириш (МҲТ ассосида) (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент: АН РУз ИЭ, 2004); Каримова Д.М. Формирование механизма социальной стабильности в условиях перехода к рыночной экономике (на примере Республики Узбекистан) (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: АН РУз ИЭ, 2001); Касимова М.С. Развитие социальной сферы Узбекистана (дисс. Ташкент-1993); Мухитдинов Х.С. Баҳо нобарқарорлигида аҳоли истеъмол харажатлари ва даромадлари даражасининг таҳлили ва прогнози; Мухиддинов Х.С. Худуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: «ФАН», 2009. 12 б.; Саидова Г.К. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы // Экономическое обозрение. – Ташкент, 1998. - № 1. – С.15; Саидова Г.К. Потребительский рынок и тенденции его развития в условиях перехода к рыночным отношениям (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: ТГЭУ, 1992. – 45 с.); Умурзаков Б.Х. Совершенствование системы социальной защиты нетрудоспособных слоев населения Республики Узбекистан в условиях формирования рыночной экономики (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент.: АН РУз ИЭ, 1995); М.А. Хакимова. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: ТГЭУ, 2000. – 38 с.).

ишларида ўрганилган.⁵ Мавжуд тадқиқотларда аҳоли истеъмол харажатлари динамикаси ва таркибининг ўзгариш қонуниятлари бўйича умумий назарий ва методологик натижалар олинган бўлсада, уларда бу кунга қадар янги назарий-услубий макроиктисодий статистиканинг комплекс кўрсаткичлари ва инфор­мацион база асосида, аҳолининг даромадлар бўйича тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол харажатларининг прогноз динамикаси ва таркибининг моделларини яратиш ҳамда талаб ва таклиф макроиктисодий мувозанати муаммоларини тартибга солишнинг бозор механизмларини ифодалаб берувчи моделларни ривожлантиришга, макроиктисодий тартибга солиш орқали аҳоли истеъмол талабини кенгайтириш ва таркибини такомиллаштиришни таъминлаш стратегияси ҳамда механизмига йўналтирилган тадқиқотлар амалда деярли қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, № А-2-022 «Ўзбекистонни ўрта ва узок муддатга ташқи омил ва рискларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, макроиктисодий индикаторларни прогноз қилиш ва сценарий вариантларни ишлаб чиқиш» (2012–2014 й.) ва № А-2-139 «Ўзбекистон иқтисодиётини инклюзив иқтисодий ўсишга ўтиш асосида барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича сценарий вариантларини прогноз қилиш стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» (2015–2017 й.), А-2-149 «Хизматлар ва туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли стратегияси» (2015–2017 й.) каби лойиҳалар мавзулари доирасида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли истеъмолини макроиктисодий прогнозлаштиришнинг услубий ёндашувини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

якуний истеъмолнинг макроиктисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар билан боғлиқлигининг замонавий назарий-методологик ёндашувлари ва баҳолаш услубларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

истеъмол талаби шаклланиши назарияларини комплекс ўрганиш ва уларнинг гипотезаларини миллий иқтисодиётимизга татбиқ қилишни текшириш;

⁵ Р.А. Алимов. Методологические проблемы построения системы национальных счетов Республики Узбекистан (дисс.Ташкент-1993); Гайибназаров Б.К. Проблемы формирования сектора домашнего хозяйства и их решение в рамках системы национального счетоводства Узбекистана (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент: АН РУз ИЭ, 1997. – 22 с.); Мурадова Х.М. Анализ национальных счетов и тенденций развития СНС в Узбекистане. Доклад ЦЭИ 2001/09; Муинов Д.А. Стратегия развития промышленности Узбекистана на период до 2010 года Ташкент.: 1997, ЦЭЭП при Минэкономике РУз.– 22 с. (Глава III. Методические подходы оценки отраслевых приоритетов развития промышленности с использованием модели МОБ СНС); О.Х. Хамираев. Пропорциональность национальной экономики и механизм её регулирования (дисс. Ташкент - 1994); С.В.Чепель. Проблемы макроэкономического регулирования и прогнозирования в условиях перехода к рынку (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1996. – 43 с.; Шодиев Т.Ш. и др. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.

ижтимоий ҳисоблар матрицаси модели доирасида аҳолининг якуний истеъмолини ҳамда товар ва хизматлар таклифи, мувозанат модели қуришнинг методологик муаммоларини ёритиб бериш;

аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларини ҳисобга олиш учун товар ва хизматларга харажатларнинг турлари бўйича истеъмол талабини дифференциялашган (ажратилган) даромад гуруҳлари кесимида ўрта ва узоқ муддатга прогноз параметрларини баҳолашнинг услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш;

илмий асосланган услуб асосида турли омиллар гуруҳларининг истеъмол талаби динамикасига таъсир кўрсатиш салоҳиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда ўзгаришларнинг аҳоли якуний истеъмоли даражаси ва таркибида макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш;

талаб чекловларини енгиб ўтиш асосида узоқ муддатга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари ва прогноз параметрларини белгилаш;

аҳоли истеъмолини кенгайтиришни рағбатлантириш ва аҳолининг якуний истеъмоли таркибини такомиллаштириш механизмлари ва устувор йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аҳоли истеъмол харажатлари ҳажми ва таркиби ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқликда олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий ўсиш барқарорлигини ҳам биргаликда ифодаловчи ва таклиф этилаётган макроиқтисодий прогнозлар моделларида акс этган истеъмол талаблари кўрсаткичлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими билан боғлиқ бўлган илмий асосланган таҳлил ўтказишнинг методологик ва методик муаммолари комплекси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумлаштириш, қиёсий ва сабабий-оқибат таҳлили, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, эконометрик таҳлил, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг мувозанатловчи воситаси сифатида SAM ижтимоий ҳисоблар ийғма матрицасидан фойдаланилган. Асосий эконометрик методлар – чизиқли динамик регрессияларни ва коинтеграцион ўзаро боғлиқликларни, бир вақтдаги чизиқли тенгламалар тизимини икки қадамли минимал квадрат усули (2SLS) ҳамда талаб функцияси параметрларига чекловлар талаб назариясини қўллаган ҳолда баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли истеъмоли соҳасида назарий-услубий аппаратнинг тизимли интеграцияси асосида яшаш цикли ва доимий даромад гипотезалари доирасида аҳоли даромадлари ўсишининг ялпи истеъмол динамикасига таъсирини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

аҳоли квинтиль даромад гуруҳининг истеъмол қилиши бўйича статистик маълумотларнинг киритилиши ва МХТ статистикасининг макро даражадаги номутаносиблик методологик муаммоларини ҳал қилиш асосида ижтимоий ҳисоб-китоб (SAM) матрицаси қурилган;

турли даражадаги фаровонлик шароитида уй хўжаликлари даромадлари ва истеъмоли, истеъмомчи ҳаракати, макроиқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар (ЯИМ, тармоқларда ялпи ишлаб чиқариш, аҳоли даромадлари, истеъмом нархлар ва х.к.) динамикаси ўртасидаги муносабатлар асосланган;

барқарор ривожланишнинг узок муддатли мақсадларига эришишни таъминловчи аҳоли жон бошига ўртача истеъмом қилиш ҳажмининг прогноз параметрлари ва унинг таркибида 2030 йилгача асосий товар гуруҳларидаги ўзгаришлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

эконометрик моделлар тизими асосларида истеъмомли ва унинг таркибий қисмларини прогнозлаштиришнинг услублари ишлаб чиқилган;

аҳоли истеъмоли макроиқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш асосида мавжуд тизимли муаммолар, номутаносибликлар ва уларни ҳал қилиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган;

аҳоли истеъмолининг келажакдаги мақсадли макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқан ҳолда стратегик режалаштириш, узок ва ўрта муддатли ижтимоий иқтисодий ривожланиш прогнозларини тармоқлар ва минтақалар доирасида мақсадли дастурларни тайёрлаш ҳамда аҳолининг рационал истеъмолини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;

аҳоли пировард истеъмолини рағбатлантиришнинг минимал истеъмом бюджетини қонунан татбиқ қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал ставкасини ўзгаришларга мутаносиб равишда тартибга солиш йўналиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти истеъмом талабининг шаклланиш назарияларини комплекс ўрганиш ва тизимлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда истеъмом талабини таҳлил ва прогноз қилишга услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш, аҳоли истеъмоли таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда макроиқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг ўрта ва узок муддатли истиқболининг миқдорий параметрларини аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, шу жумладан, унда ишлаб чиқилган ҳисоб схемалари ва математик моделлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сценарийларини асослаш

учун, макроиктисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш мақсадида ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Статистика бўйича Давлат Қўмитаси ва бошқа иқтисодиёт ўсиши барқарорлигини таъминловчи давлат бошқаруви органлари учун тахлилий тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли истеъмолини макроиктисодий прогнозлаштиришнинг услубий ёндашувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натажалар асосида:

иктисодиётда товар ва хизматларни истеъмол қилиш соҳаси тармоқлараро алоқаларини ҳисобга олган ҳолда SAM модели асосида ишлаб чиқилган услуб Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 841-сонли қарорининг таълим, соғлиқни сақлаш, уй-коммунал соҳаси хизматларидан фойдаланиш, кам таъминланган аҳоли даромадларининг ижтимоий кафолати борасида ижтимоий соҳанинг устувор йўналишлари ва мақсадли параметрларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 ноябрдаги МБ-6-2/120-сон маълумотномаси), хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ўрта муддатли прогнозларини тайёрлашда ва 2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурини амалга оширишни мониторинг қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 10 июлдаги ИШ-6-5/33-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар илмий натижаларининг қўлланилиши аҳоли истеъмоли динамикаси ва тузилмасини, иқтисодиёт реал сектор тармоқлари ва ижтимоий кўрсаткичлар мутаносиблигини аниқлаш асосида узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг асосий тамойилини таъминлаш имконини берган;

ялпи истеъмол талабининг алоҳида омиллари таъсирини, энг аввало, аҳоли даромадларини аниқловчи кўп омилли эконометрик моделларнинг миқдорий боғлиқликларини баҳолаш учун таклиф этилган услубий ёндашувлар, аҳоли даромадлари ва истеъмоли кўрсаткичлари бўйича аҳоли турмуш прогноз динамикасини ишлаб чиқишда ва 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепциясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг мақсадли устувор йўналишларини асослаб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 ноябрдаги МБ-6-2/120-сон маълумотномаси). Олиб борилган ҳисоб-китоб натижалари ижтимоий соҳа тармоқлари ривожланишини самарали ташкил этиш ва реал шакллантирилган талабни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётда сифатли таркибий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаган;

аҳолининг кам таъминланган қисми даромадларини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги ПП-3782-сон «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини

ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2018 йил 8 ноябрдаги 18/1-873-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Республикасида Ижтимоий тадбиркорлик фаолияти субъектларини аниқлаш тартиби ва мезонлари ҳақидаги Низом қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 ноябрдаги МБ-6-2/120-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қонун ишлаб чиқиш жараёнларининг илмий асосланганлигини ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмини қисқартириш, ижтимоий заиф қатламни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий кафолатини таъминлашни кучайтириш бўйича таклифлар сифатини оширишга хизмат қилган;

кўп омилли эконометрик моделларининг прогноз параметрларидан аҳоли истеъмоли соҳаси билан боғлиқ тизимли муаммоларни ва аҳолининг турмуш даражаси параметрларига омилларнинг таъсир даражасини аниқлашда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019–2021 йилларгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Концепциясидаги ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослаб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 ноябрдаги МБ-6-120-сон маълумотномаси). Ҳисоб натижалари истеъмол соҳаси прогноз динамикасининг аҳоли даромадлари ўсиши прогнозлари билан мувофиқлик даражасининг ўрта муддатли барқарор ошишини таъминлаган;

энг кам иш ҳақи миқдорини минимал истеъмол саватининг нархи ва таркибини ҳисобга олган ҳолда турмуш кечириш минимуми даражасигача оширишнинг босқичлари бўйича таклиф этилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида турмуш кечириш минимумининг минимал истеъмол саватини ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 ноябрдаги МБ-6-2/120-сон маълумотномаси). Даромад даражасининг минимал истеъмол савати ва турмуш кечириш минимумига мувофиқлиги каби асосий ижтимоий стандартни ишлаб чиқишда илмий натижалар кўрсаткичларидан фойдаланиш, даромадларнинг мақсадли даражаси ва аҳолининг реал пул даромадлари ҳамда сотиб олиш қобилиятини ошириш, аҳоли ижтимоий табақаланишини камайтириш, ижтимоий фаровонлигини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш учун шарт-шароитларни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот асосий натижалари 14 республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий ишда чоп этилган, шулардан, 2 таси жамоавий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, ўн битта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 3 та иловадан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 156 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли истеъмолини прогноз қилиш моделларини қуришнинг илмий-назарий асослари ва услубий ёндашувлари**» деб номланган биринчи бобида уй хўжалиқларининг истеъмоли назарий асослари, истеъмол соҳасидаги турли иқтисодий мактабларнинг Концепция ва фаразлари ҳамда истеъмол талаблари тенглалаштирилишини баҳолашда методологик ёндашувлар ёритилган.


Дарҳақиқат, истеъмолнинг бир қатор мавжуд назарияларидан тадқиқот жараёнида фойдаланиш мумкин ва уларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти шароити учун аҳамиятини тушуниш муҳимдир. Шу жумладан, маълум бир вақтга қадар оқилна кутиш назарияси уй хўжалиқларининг истеъмол ва жамғарма қонуниятлари, турмуш цикли ва доимий даромад гипотезалари билан белгилаб берилди ва мавжуд даромадни истеъмол қилиш истаги ёки "мультипликаторнинг" паст даражада бўлиши иқтисодий сиёсатнинг вақтинчалик чораларига катта роль ажратилмаган.

Бироқ, яқинда ўтказилган оқилна тахминлар назарияси тарафдорлари тадқиқотларига кўра, давлат иқтисодий сиёсати самарадорлигига нисбатан улар муносабатининг ўзгариши, хусусан, иқтисодий циклнинг турли босқичларида истеъмолни рағбатлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган аҳоли даромадларини оширишга қаратилган қисқа муддатли чора-тадбирларни (масалан, вақтинчалик солиқ имтиёзларини) тасдиқлайди.

Замонавий иқтисодий адабиётларда аҳоли истеъмолини миқдорий баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган ва бу мавзу бўйича олиб борилган илмий ишлар янги тадқиқотлар ўтказилиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлаш имконини беради (1-расм).

Уй хўжалиги истеъмоли моделлари ва талаб функцияларининг нафақат макроиқтисодий статистик маълумотларнинг вақт қаторлари, балки кейинчалик пайдо бўлган уй хўжалиқларида ўтказилган сўров маълумотлари

асосида юзага келиши ва тарқалиши истеъмол тизимини чуқур ўрганиш масалаларига янада ишончли тарзда баҳо беришга имкон яратди. Улар классик истеъмол моделларининг назарий асосини сақлаб, бироқ кўшимча маълумот ёки талаб назарияси томонидан таклиф қилинадиган талаб вазибалари параметрлари бўйича чеклашлар (бир хиллик, умумийлик, симметрия) ёрдамида аҳоли истеъмолини тахмин қилишда турли омиллар таъсирини баҳолашга имкон беради.



Манба: Муаллиф томонидан жаҳонда мавжуд аҳоли истеъмоли бўйича моделлари бирлаштирилган
1 - расм. Аҳоли истеъмоли соҳасидаги тадқиқотларнинг назарий-услубий аппарати

Хато тузатиш моделида узоқ муддатли маиший истеъмол функциясининг ўзаро боғлиқлигини эконометрик баҳолаш усули Энгел ва Гранжер томонидан таклиф қилинган:

$$\Delta c_t = \mu + \phi c_{t-1} - \alpha y_{t-1} - \gamma_2 \Delta c_{t-1} + \beta_0 \Delta y_t - \beta_2 \Delta y_{t-1} + \varepsilon_t ; \quad \theta = \frac{\alpha}{-\phi}$$

бу ерда c – уй хўжалиқларининг истеъмолга харажатлар логарифми,
 y – уй хўжалиқларининг даромадлари логарифми

ϕ ($-1 < \phi < 0$) параметри мувозанатнинг тезлик нисбатларини кўрсатади. У калибрлаш параметри ва баъзида «юк омили» деб аталади, шунинг учун хатоларни тузатиш моделида истеъмолдаги ўзгариш (Δc) даромаднинг ўзгариши билан боғлиқ (Δy) ҳамда жорий истеъмол даражасининг узоқ муддатда мувозанат қийматидан четга чиқиши, хатони тузатиш билан боғлиқ бўлиб қолади.

Аҳоли истеъмол харажатларининг кузатилган динамикаси ва тузилмасини ақс эттирувчи моделлар параметрларини баҳолаш тартиби Стата пакетигади икки босқичли МНК (2SLS) асосида доимий эластик коэффицентлари билан бир вақтнинг ўзида бирламчи чизиқли тенглама (Seemingly Unrelated System, SUR) тизимини тахминан 8-10 та товар учун алоҳида 2000–2015 йилгача ишлатилган:

$$w_i = \alpha_0 + \alpha_1 \ln \frac{X_i}{P} + \beta_{ij} \ln(P_j)$$

бу ерда w_i – истеъмол харажатларида товар улуши (товарга талаб ҳажми 2000 й. солиштирма нархларда), $\frac{X_i}{P}$ – даромадлар ҳажми (ялпи харажатлар), P_j – j товарга нархларнинг индекси.⁶

Истеъмол талабининг ўзгариши ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришга пул маблағларини инвестициялаш, айрим уй хўжаликларининг даромадларига таъсирини баҳолаш SAM матричасини яратишда 2011 йил учун тармоқлараро баланс макроиқтисодий маълумотлари уй хўжаликлари даромад ва харажатлари квинтиль гуруҳлари бюджет сўров маълумотлари (БСМ) билан бирлаштирилди. SAM схемаси бўйича маълум товар гуруҳларининг истеъмол ҳажмининг ўсиш суръати (ишлаб чиқариш ўсиши) билан боғлиқ бўлган даромадлар таркиби (уй хўжаликлари бўйича квинтиль гуруҳлар) аниқланди.

Ҳисобланган умумий мувозанат моделларининг асосий устунлиги шундаки, кўпинча макроэконометрик ва динамик стохастик DSGE моделлари битта маҳсулот принципи асосида қурилиши мумкин, лекин CGE моделлари иқтисодиётнинг батафсил тавсифидан фойдаланади (Леонтъевнинг кириш-чиқиш модели ёки SAM каби, аммо CGE-моделлари нисбий баҳоларнинг таъсирига кўпроқ аҳамият беради). Улар иқтисодиётнинг барча тармоқларини ва макроиқтисодиётни ҳисобга олиш имконини беради ва бунинг натижасида тегишли тармоқлар ва макроиқтисодий кўрсаткичларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий сиёсат ёки таркибий ислохотларнинг бевосита ва билвосита таъсирини батафсил ўрганишга имкон беради.

Ўзбекистонда DSGE моделини татбиқ этиш (мослаштириш) йўлидаги ахборот (уй хўжаликлари бюджети тадқиқоти натижалари бўйича мавжуд бўлган дастлабки маълумотларнинг етишмаслиги) ва назарий - методологик тўсиқларни (кучсиз рақобат ва норасмий иқтисодиёт миқёсининг муҳимлиги) босқичма-босқич енгиб ўтиш керак.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш ҳамда инклюзив ривожланиш сиёсати талабларига

⁶ Макростатистик чакана товар айрбошлашнинг статистик маълумотлари айрим базавий 2000 йилдаги нархлари озик-овқат (ноозик-овқат) кундалик истеъмол талаб маҳсулотлари ва узоқ муддатли истеъмол моллари ўзгарувчилар, ҳамда айрим моллари учун харажатлар (w_i), озик-овқат (ноозик-овқат) нарх кўрсаткичлари логарифмдан ($\ln P_i$) иборат, $\ln exr$ аҳоли даромадлари умумий даражаси – барча маҳсулотлар харажатининг прокси-ўзгарувчанлик логарифмидир. Биринчи даражали илдиз (ADF) синов натижаларига кўра, барча ўзгарувчилар ностационар (биринчи даражали илдизли) фақатгина улардан биринчилари фарқи стационарлигини кўрсатади. Шундай қилиб, модель ўзгарувчан сифатида биринчи фарқлар фойдаланилади (first-differences).

жавоб бериш мақсадида иқтисодиёт ва унинг тармоқлари ҳамда амалга оширилаётган сиёсат чора-тадбирлари аҳоли даромад ва истеъмол тенгсизликларини камайтиришга таъсирини баҳолаш учун миллий ҳисоблар усули ёрдамида (SAM) ижтимоий матрицалар куриш жараёни батафсил кўриб чиқилган.

SAM – мамлакатнинг маълум вақт оралиғидаги ⁷ макроиқтисодий кўрсаткичлар йиғиндисини билдиради ҳамда макроиқтисодий ва микроиқтисодий маълумотларни мутаносиб тизимга бирлаштиради (1 - жадвал). SAM моделининг тармоқлараро баланси моделидан фарқи – омил даромад кўрсаткичлари (иш ҳақи, даромадлар, аралашган даромадлар ва х.к.) ҳамда уй хўжалиқларининг якуний талаблари ўртасидаги тескари боғлиқликда. Ушбу асосида SAM модели иқтисодий циклнинг барча оқимларини қамраб олиб, иқтисодиётнинг барча секторлари (ёпиқ характерга эга бўлган) асосий даромадлари ва якуний харажатлар кўрсаткичларини тўлиқ боғлайдиган оддий чизиқли мультипликатор моделини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. SAM моделининг яна бир ўзига хос хусусияти – ишлаб чиқариш тузилмаси томонидан белгиланадиган қўшимча қиймат элементларининг (яъни ишлаб чиқаришнинг турли омиллари томонидан олинган даромад) жорий тузилишига асосланган индивидуал даромадларини тақсимлаш хусусиятларини ҳисобга олиш қобилияти.

1 -жадвал

Эндоген ва экзоген ўзгарувчилар

	<i>1a-PA</i>	<i>1b-СМ</i>	<i>2-FP</i>	<i>3a-НН-ОИ</i>	<i>3b-Gov</i>	<i>4-КНН-ОИ</i>	<i>5-ROW</i>	<i>TDD</i>
1a	PA	T _{1a, 1b}		0				Y _{1a}
1b	СМ	T _{1b, 1a}		T _{1b, 3a}	T _{1b, 3b}	T _{1b, 4}	T _{1b, 5}	Y _{1b}
2	FP	T _{2, 1a}					T _{2, 5}	Y ₂
3a	НН-ОИ		T _{3a, 2}	T _{3a, 3a}	T _{3a, 3b}		T _{2, 5}	Y ₃
3b	Gov	T _{3b, 1a}	T _{3b, 1b}	T _{3b, 3a}	T _{3b, 3b}		T _{3a, 5}	
4	КНН-ОИ	T _{4, 1a}		T _{4, 3}			T _{4, 5}	Y ₄
5	ROW		T _{5, 1b}	T _{5, 2}	T _{5, 3a}	T _{5, 3b}	T _{5, 4}	0
	TSS	E _{1a}	E _{1b}	E ₂	E _{3a}	E _{3b}	E ₄	E ₅

Манба: Bottiroli Civardi and Targetti Lenti (2007) ва Pyatt and Round (1979) ишлари асосида муаллиф томонидан ишлатилган

Изоҳ: эндоген ўзгарувчан моделлар бошқа рангда ажратилган,

бу ерда **1a-PA** = тармоқлар ишлаб чиқариши,

1b-СМ = товарлар ишлаб чиқариши

2-FP = ишлаб чиқариш омиллари

3a-НН-ОИ = уй хўжалиқлари ва бошқа институтлар, давлатдан ташқари

3b-Gov = давлат (харажатлар, трансфертлар, пул ўтказмалари)

4-КНН-ОИ = уй хўжалиқлари ва бошқа институтлар капитали, давлатдан ташқари

5-ROW = ташқи дунё (трансфертлар, пул ўтказмалари, экспортга талаб ва капитал).

⁷ Pyatt G and Thorbecke E, *Planning Techniques for a Better Future*, Geneva, ILO, 1976.

Ишлаб чиқилган SAM модели ҳар хил уй хўжаликлари гуруҳлари ўртасида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмол таркиби билан мос келадиган даромадларни тақсимлашнинг тизимли хусусиятларини акс эттириш учун чизикли модель шаклида киритилган.

Ушбу кенгайтирилган моделда $Y = A \cdot Y + X$ матрица тенгламасидан ёки $Y = (I - A)^{-1} \cdot X = M \cdot X$ умумий мультипликатор $M = (I - A)^{-1}$ ҳисобланади.

Натижада, X нинг экзоген векторини M мультипликатор матрицаси билан кўпайтириш орқали ички даромадлар – Y (ишлаб чиқариш фаолияти Y_1 , фактор даромадлари – Y_2 , уй даромадлари – Y_3 мавжуд ва юзага келадиган кўпайтмалли чизиклар иқтисодий тизим натижаларини кўрсатувчи соддалаштирилган модель сифатида талқин қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси учун ижтимоий тизимлар матрицаси (SAM)нинг қурилиши ва умумий мувозанат модели (CGE) шаклланиши асосида ялпи омилли унумдорлик (ЯОУ) ва фаровонлик ўсишининг ўзаро боғлиқлигини моделлаштириш асосида бутун иқтисодиётдаги ва алоҳида соҳада (ЯОУ ўсишининг турли хил сценарийлари остида) умумий омил самарадорлиги ўсиши ва турли тармоқлардаги ишлаб чиқариш, экспорт, импорт ва жамғармаларни оширишга қаратилган миқдорий таъсирини ҳисоблашнинг инструментал асоси таъминланади.

Барча кўрсатилган соҳаларда таҳлил мақсадларига эришиш учун агентлар ўртасидаги ҳамма операциялар «ишлаб чиқариш фаолияти», «омил», «билвосита солиқ», «якуний талаб» ва «ташқи сектор» каби бир қанча тоифаларга бўлинди. Ўз навбатида, «ишлаб чиқариш фаолияти» сектори бешта тармоққа бўлинади: энергетика (ENG), кончилик (HMN), ишлаб чиқариш (LMN), қишлоқ хўжалиги (AGR), хизматлар (SRV).

Диссертациянинг **«Макроиқтисодий индикаторлар, аҳоли даромадлари ва истеъмолининг ҳозирги ҳолати ва ўзаро боғлиқлиги»** номли иккинчи бобининг асосий мақсади истеъмолни ривожлантириш тенденциялари ва манбаларини таҳлил қилиш, иқтисодий сиёсат чораларининг Ўзбекистон Республикасида аҳолининг истеъмол харажатлари ва таркиби даражасига таъсирини аниқлашдан иборат.

Таҳлил натижаларига кўра, қуйидаги тенденциялар аниқланди: аҳолининг реал даромадлари ошиши билан аста-секин ноозиқовқат маҳсулотлари ва пулли хизматларга бўлган харажатларнинг умумий ҳажми ортади; алоҳида олинган ноозиқовқат товарлари учун ички талаб захиралари ҳаракатсиз қолмоқда.

Истеъмол функцияларининг эмпирик спецификацияси, асосан, таҳлилий макроиқтисодий назарияда кенг қўлланиладиган, юқорида тавсифланган (1.1-бўлим) вақтлараро истеъмол моделига (OLG модели) асосланган. Бизнинг ёндашувимиз ялпи ички маҳсулотнинг талаб томонидан асосий таркибий қисмининг (аҳолининг якуний истеъмоли) ностационар ҳолатини ҳисобга олади ва қуйидагилардан фойдаланади: 1) узок муддатли коинтеграция муносабатларини баҳолаш, 2) стационар вақтли серияларнинг динамик чизикли регрессиялари.

Ўзбекистон шароитида коинтеграция моделини баҳолашдан сўнг даромад ўзгаришининг узок муддатли таъсири қуйидагича: $\theta = 0.392/0.449 = 0.873$ (параметр ϕ -0.449 га тенг). Хатоларни тузатиш моделининг баҳолаш натижалари даромад ўзгаришига нисбатан тезроқ акс эттиришни кўрсатди, шунинг учун истеъмол барқарор даромад ўсишига тўлиқ мос келиши мумкин.

Уй хўжаликлари бюджетидан батафсил маълумот олиш орқали истеъмол харажатларининг ҳар хил турлари кўриб чиқилди. Жумладан, бардошли истеъмол товарларига талабнинг умумий ҳажми уларни алмаштиришга бўлган талаби ва ушбу маҳсулотлар паркини кенгайтиришга бўлган талабдан иборат. Алмаштиришга талаб олдинги йилларда ушбу маҳсулотларни сотиш бўйича маълумотларга асосланган ҳолда белгиланиши мумкин ва истеъмол моллари паркини кенгайтириш талаби аҳоли сони ва ёш авлод улуши каби кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Хизматларга ва ўзоқ вақт фойдаланиладиган маҳсулот бўлган талабнинг прогнози оилалар сонига, уларни ушбу маҳсулотлар билан таъминлашга, сотиб олиш ниятларига, нақд пул маблағларининг мавжудлигига, турар жой шароитларига ва ҳоказоларга асосланган бўлиши керак.

Истеъмол талаби нисбатларини таҳлил қилиш учун аввал ишлатилган шахсий регрессия тенгламаларини баҳолаш техникасидан фарқли ўларок, чакана товар айирбошлаш статистикаси (уй хўжаликлари) бўйича аҳолининг талаб тенгламалари тизимини (ТТТ) баҳолаш методлари талабнинг функциялар параметрлари (*бир хиллик, умумийлик, симметрия*) бўйича таклиф талаблари назарияси чекловларига асосланади. Нархлар ва даромаднинг эластик коэффицентларини ҳисоблаш учун талаб тенгламалари тизимларининг параметрлари ишлатилган.


Ўзбекистон учун SAM матрица МОБ (2011) ва уй хўжаликлари ва миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) давлат сектори даромадларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳисоб-китоблардан олинган маълумотлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, бутун SAM матрицаси учта агрегатлаштирилган товар гуруҳлари (озик-овқат маҳсулотлари, ноозиковқат маҳсулотлар, хизматлар)⁸ учун ҳисобланган ҳамда 35 та тармоқ учун SAM моделининг ажратилган версияси яратган.

Озик-овқат ва ноозиковқат маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишни қамраб оладиган учта агрегат тармоқлари учун тақдим этилган Ўзбекистон учун мультипликаторларнинг умумий структурасини таҳлил қилиш бўйича (2-расм) ўртача мультипликатив таъсир 2,44 ни ташкил

⁸ Бизнинг бошланғич SAM матрицамизда иқтисодиёт 3 агрегатланган истеъмол товар ва хизматлар сектордан (озик-овқат маҳсулотлари, ноозиковқат маҳсулот ва хизматлар) ва уй хужалигининг 5 квинтиль гуруҳлардан бўлиб, даромад даражасининг хилма-хиллигини қамраб олади.

этди. Бу шуни англатадики, иқтисодиётга 1 млн. сўм миқдорида (масалан, уй-рўзғор хўжаликлари харажатлари ва хизматлар, инвестициялар ва давлат харажатларининг ўсиши натижасида), барча тармоқлар бўйича маҳсулот ўртача 2,44 млн сўмга ошади.



■ озиқ-овқат маҳсулотлар ■ ноозиқ-овқат маҳсулотлар ■ хизматлар ■ иқтисодиёт бўйича ўрта қиймати


Манба: Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари, "Товарлар ва хизматлар ресурслари" ва "Товарлар ва хизматлардан фойдаланиш" жадваллари, 2011й. уй хўжаликларининг бюджет тадқиқотлари

2-расм. Алоҳида тармоқларни рағбатлантиришда умумий ва тармоқли мультипликатив таъсир

2-расмда катталаштирилган кесимда хизмат кўрсатиш иқтисодий ўсиш динамикасига энг катта таъсир кўрсатади: хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 млн. сўмга ортиши билан иқтисодиётнинг барча тармоқларида умумий ишлаб чиқариш 2,76 млн. сўмга ошади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ҳар бир саноатнинг бошқа тармоқлар билан интеграциялашуви даражаси билан белгиланадиган бўлса, хизматлар соҳасини ривожлантириш ноозиқовқат маҳсулотларини (0,88) ва озиқ-овқат маҳсулотларини (0,39) ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон беради. Натижада, хизматлар истеъмолини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати нафақат хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини қайта тиклашга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб устувор йўналишларини тўғри танлаб олиш ва мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларининг самарадорлигини тасдиқлайди. Хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий сиёсатни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш афзалроқ, чунки у бутун ишлаб чиқариш тизимига, хусусан, ноозиқовқат товарлар ишлаб чиқаришга катта ижобий таъсир кўрсатувчи соҳа ҳисобланади.

Турли даромад даражасига эга 5та гуруҳ уй хўжаликлари даромадлари ўзгаришига таъсирлар баҳоланганда (3-расм), озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар соҳасини ишлаб чиқаришга пул воситаларини инвестиция қилиш барча гуруҳ уй хўжаликларида энг кўп мультипликатив самара беради (0,772 и 0,737 мос равишда). Шу билан бирга, қуйи квинтиль гуруҳларнинг (I ва II) ўсишига кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасини ривожлантириш динамикаси таъсир қилади. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳолининг кам таъминланган гуруҳи даромадларининг ўсишига энг кўп даромадларни

қайта тақсимлаш (аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқалар) давлат сиёсатининг турли чора-тадбирлари таъсир қилади.



Манба: муаллифнинг ҳисоб-китоблари


3-расм. Иқтисодиёт тармоқлари ўсишининг уй хўжаликлари даромадлари ўзгаришига таъсири

Бундан ташқари, даромадлардаги номутаносибликнинг «таркибий» чора-тадбирлари (4-расм) уй хўжаликлари истеъмол даромадларини (мос равишда харажатларни ҳам) ташқи рағбатлантириш, турли уй хўжаликлари даромадларининг ўсишида ўз аксини топишни кўрсатмоқда⁹. 4-расмдаги $3M_{33}$ остматрица иқтисодиётдаги бутун цикл «Уй хўжаликлари ← Омиллар ← Тармоқ ← Уй хўжаликлари»ни тугатиш натижасида пайдо бўлган бирламчи шокнинг қўшимча самарасини аниқлаш учун хизмат қилади. Мультипликатор у ёки бу квинтиль аҳоли даромадларининг бошланғич ошиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига сабаб бўладиган ҳамда мос равишда аҳолининг бу ва бошқа квинтиль гуруҳлари омилли даромадларининг ўсишига олиб келадиган товар ва хизматлар истеъмолига таъсирини аниқлаш имкониятини яратади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий босқичида даромадларни тақсимлашнинг муҳим таркибий хусусияти шундан иборатки, энг кам таъминланган (энг кам истеъмол даражасига эга) уй хўжаликларининг фойдасига даромадларни тақсимлаш, фақат ушбу гуруҳ уй хўжаликлари даромадларини оширишга ва даромадларни тенг тақсимлашга йўналтирилган

⁹Ушбу чора-тадбирлар хўжаликнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш, омиллар ва даромадлар ўсиши билан уй хўжаликларининг даромадлари ўсишининг бевосита оқибатлари, шунингдек, уй хўжаликларининг айрим гуруҳлари даромадлари ўсишини рағбатлантириш бўйича тўғридан-тўғри чора-тадбирларни ўз ичига олади. Шунингдек, уй хўжаликлари даромадларининг ўсиб бораётганига қарама-қарши таъсирларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ тармоқлари (масалан, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар) маҳсулотларига талаб этилаётган дастлабки рағбатлантирувчи секторда (озик-овқат маҳсулотлари) даромад ўсиш суръатларига бўлган талабнинг ортиши билан шаклланади. Шундай қилиб, аҳоли даромадларининг ошиши, товар ва хизматларга бўлган истеъмол талабининг ортиши ушбу соҳада ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришнинг ошишига олиб келади ва уй хўжаликлари даромадлари ўсишининг мультипликатив таъсири барча иқтисодий цикллар орқали муомаладан дастлабки инъекция аҳоли турли гуруҳлари даромадларига таъсир кўрсатади.

давлатнинг иқтисодий сиёсат аралашуви орқали амалга оширилиши мумкин (4-расм).




Манба: муаллифнинг ҳисоб-китоблари

4-расм. Турли гуруҳ уй хўжаликлари эндоген ҳисобларининг ўзаро таъсири

Даромадлар ўсиши товар ва хизматлар истеъмоли ўсишига олиб келишини ҳисобга олиб, аҳолининг турли гуруҳлари даромадларининг ўсишига боғлиқ ҳолда уй хўжаликлари истеъмоли ўсишининг мультипликатив самарасини кўриб чиқамиз (5-расм).

5-расмдан аҳоли даромадлари 1 млн. сўмга ошиши билан истеъмол 1,94 млн. сўмга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 760 минг сўмга, ноозиқовқат товарлари 820 минг сўмга, хизматлар 370 минг сўмга ортади. Ушбу матрицанинг барча элементлари қийматлари босқичма-босқич камайиб бораётганини (I квинтилдан V квинтилгача), яъни истеъмол қилишнинг ўртача тенденцияси аҳолининг энг бадавлат сегменти орасида юқори эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун I квинтилни кўпайтмаси энг юқори кўрсаткичдир (2.85), яъни аҳоли кам таъминланган гуруҳининг даромадлари 1 млн. сўмга ошиши билан аҳоли истеъмоли 2,85 млн. сўмга ошади. Натижада, биринчи гуруҳнинг даромадларини оширишни рағбатлантириш товар ва хизматларга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади, бу эса ЯИМнинг ўсишига ёрдам беради.



Манба: муаллифнинг ҳисоб-китоблари

5-расм. Даромадлар ўсиши бўйича уй хўжаликлари истеъмоли мультипликаторлари

Шуни айтиб ўтиш керакки, барча квинтилларда истеъмол харажатларининг катта қисми озиқ-овқат сарфлари бўлишига қарамасдан, биринчи квинтилдан ташқари барча гуруҳларда ноозиқовқат маҳсулотларини истеъмол қилиш мультипликаторлари озиқ-овқат истеъмолини кўпайтиришнинг мультипликатив таъсиридан юқори. Бу иктисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида даромадлар кўпайган уй хўжаликлари озиқ-овқат маҳсулотлари улушини қисқартириш ва ноозиқовқат товар (хизмат)ларнинг улушини улар харажатларига жалб қилиш тенденциясига эга эканлигидан далолат беради, чунки кўп ҳолларда узоқ муддатли товарлар (асбоб-ускуналар) ва кундалик талабдаги (уй-рўзғор буюмлари) товарлар билан «тўйинган нуқта»га етмаган. Шундай қилиб, барча квинтиллар даромадларининг ўсиши ноозиқовқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмининг ошишига олиб келади, бу сифатли таркибий ўзгаришларни кўрсатади. Қисқа ва ўрта муддатли истиқболда ушбу тенденциялар ва ўзаро боғлиқлик макроиктисодий динамикага ижобий таъсир кўрсатади ва ишлаб чиқарилаётган ЯИМ таркибида саноат ва хизматлар улушини оширишга ёрдам беради¹⁰.

СГЕ баҳолаш натижалари унумдорлик ва нафлилик даражасининг ошиши ўртасида пропорционал алоқа мавжуд. ЯОУ даражаси паст бўлган соҳа қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бироқ, энг паст ЯОУ даражадаги бу сектор уй хўжаликлари фаровонлигининг энг юқори даражасига кўтарилишини таъминлайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу ҳосилдорлик ўсиши даражасини бир маромда сақлаб қолиш ва унинг имтиёзларидан фойдаланиш учун хусусий уй хўжалиги жамғармалари ЯОУнинг юқори ўсиш суръатларида пасаяди. Бошқа томондан, давлат жамғармалари сушт суръатларда пасайиши кузатилади, натижада, давлатнинг кичик харажатларида давлат бюджети дефицитининг тўпланиши хавфи камаяди. Шундай қилиб, юқори унумдорлик макроиктисодий барқарорликка эришишни таъминлайди, бу эса давлат бюджети дефицити билан ўлчанади.

Учинчи боб **«Барқарор ривожланиш контекстида якуний аҳоли истеъмолининг макроиктисодий прогнози»** деб номланиб, аҳоли турмуш даражаси ва иктисодий ўсиш барқарорлигини ошириш нуқтаи назаридан аҳолининг охир пировард истеъмолини рағбатлантириш мақсадлари ва устувор йўналишларини тақдим этади.

Иктисодий сиёсатнинг узоқ муддатли истиқболли вазифалари барқарор ўсишни таъминлаш, иктисодий ўсишнинг янги манбаларини фаоллаштириш ва, биринчи навбатда, инсон капиталининг сифати ва макроиктисодий самарадорлигини оширишни ҳамда иктисодиётнинг инновацион салоҳиятини ўз ичига олади Шу нуқтаи назардан барқарор ривожланиш ва аҳоли фаровонлиги ўсишининг макроиктисодий тартибга солиш прогнозлари ва тегишли механизмлари ишлаб чиқилди.

¹⁰ Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсишнинг фақат ишлаб чиқариш ресурслари ва эркин ишлаб чиқариш қуввати зарур бўлганда мумкин, лекин ресурслар етишмаслиги шароитида ноозиқовқат товарлари нархларининг ёки импорт даражасининг ошиб бориши кузатилади.

Истеъмол соҳасидаги макроиктисодий мақсадлар (истеъмолнинг мақсадли даражаси ва истеъмол талабининг макроикдори) қуйидагича тавсифланиши мумкин:

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-рўзғор истеъмоли соҳасидаги асосий вазифа – бу ўрта даромадли гуруҳнинг юқори сегментидаги мамлакатлар аҳолисининг жон бошига ўртача истеъмоли ҳажмини тезроқ таъминлашдир.

2. Аҳоли истеъмол харажатлари ва таркиби нафақат истеъмол талаби ва таклифининг балансига, балки жамият ривожланишининг натижаси сифатида намоён бўлган истеъмол талабининг таркибидаги ўзгаришларни тартибга солувчи объектив қонунларга (истеъмолни кўтариш тўғрисидаги қонун) ҳам мувофиқ бўлиши керак.

2-жадвал

Истеъмол харажатларининг даромад даражаси ва макро таркиби

(барча харажатларга нисбатан, %)

	2016-2017 й. факт	мақсад (норматив) стандартлари	
		2021 г.	2030г.
Истеъмол харажатлари, жами	78,9	79	80
Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш	39,0	24	10-15
Ноозиқовқат маҳсулотларини сотиб олиш	23,6	25	25-30
Хизматлар тўлови	16,3	30	40
<i>Даромад даражаси (сотиб олиш қобилияти паритетида АҚШ долларарида жон бошига тўғри келадиган ЯИМ)</i>	<i>6600(7000)</i>	<i>9370</i>	<i>15000</i>

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, мақсад (норматив) стандартлари – ЕХХТ мамлакатларнинг ўрта қиймати

Харажатларни дифференциаллаштириш бўйича маълумотларнинг кўрсатишича, (2-жадвал) даромад даражаси ўртача бўлган мамлакатлар гуруҳи истеъмол моделига ўтганда озиқ-овқатга бўлган истеъмол харажатларининг улуши (уйдан ташқарида овқатланиш учун сарф-харажатларнинг ўсишида) сезиларли равишда (тахминан 40%) камаяди, шу билан бирга, ушбу гуруҳда кийим ва пойабзалга бўлган харажатлар улуши ҳам камаяди.

Бошқа томондан, хизматлар улуши сезиларли даражада ўсиб бормоқда (49,1%), жумладан, уй-жой коммунал хизматлари харажатлари 1,5 баробарга кўпайган. Истеъмол харажатлари тиббий хизматлар, маданият ва дам олиш, алоқа, транспорт воситаларини харид қилиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг фақат яхши таъминланган гуруҳлари (V квинтиль) кам таъминланган турмуш даражаси ҳукмронлик давридан ўтган (паст даромадли мамлакатлар) ва ўрта синфга хос бўлган янги истеъмол моделини шакллантириш босқичида турибди. Юқорида келтирилган истеъмолнинг мақсадли йўналишларига эришишнинг асосий шарти аҳоли даромадларининг ўсишидир.

Мақсадли стандартларга жавоб берадиган харажатлар таркиби хизматлар ва ноозиковқат товарлари харажатларининг улушидан ошади (2-жадвал). Ушбу тенденциялар умумий қабул қилинган иқтисодий қонунларга мос келади (Энгел қонуни бўйича, турмуш даражасининг ўсиб бориши билан истеъмол талабининг тузилиши яхшиланади ва истеъмолчиларнинг юқори талаб ва қийматга эга бўлган маҳсулотларга талаби ошади).

Келгуси даврда, асосан, давлат харажатлари ҳисобига молиялаштириладиган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари фаолиятининг энг муҳим томонлари хусусий сектор улушини кенгайтириш бўлиб, бу хизмат кўрсатиш тармоқларида истеъмол харажатларини кўпайтиришга олиб келади. Ҳукумат томонидан ушбу соҳага сарфланган реал харажатлар ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш соҳасида 1991 йил даражасидан 1,5-2 фоизга паст бўлиб, олий таълимда эса 90-йилларнинг охирига қараганда 25-30 фоиз даражасидадир. Жумладан, "2014 йилда товар ва хизматлар кўрсатиш" мавжуд тармоқлараро жадваллар бўйича таълим харажатларининг асосий қисми (қарийб 95%) давлат бюджети ҳисобидан қопланади (жами бюджетдан 38,1% и ижтимоий соҳада яқуний истеъмол харажатлари) ва камроқ даражада – уй хўжалиги харажатлари ҳисобидан (0,9%). Соғлиқни сақлаш харажатларининг деярли бешдан бир қисми (соғлиқни сақлашда яқуний истеъмолга сарф қилинган харажатларнинг умумий ҳажмидан 24% миқдорида - 4,3%) хусусий уй хўжаликлари харажатларига, қолган қисми эса (80%) давлат бюджети харажатларига (19,1%) тўғри келади.

Ички истеъмол талабини кенгайтириш ва рағбатлантириш иқтисодий сиёсатнинг аҳоли истеъмолига таъсирининг миллий иқтисодиёт учун самарали механизмларини ишлаб чиқишга асосланган мақсадли давлат сиёсатини амалга оширишни талаб қилади:

1. Уй хўжаликларининг *даромадларини ошириши* ва пул харажатлари таркибини ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар: энг кам иш ҳақи ставкалари ва уларнинг минимал истеъмол қилинадиган бюджетга мувофиқлигини тартибга солиш; солиқ юқини аҳолининг янада бой қатламларига қайта тақсимлаш: иқтисодиётнинг норасмий секторидан даромад олиш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш; аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни (давлат ижтимоий трансфертларини) ва ижтимоий таъминотни (давлат пенсияларини) таъминлаш, ижтимоий хизматлардан фойдаланишни рағбатлантириш; ҳосилдорлик (инновациялар)ни жорий этиш ва ахборот технологияларини рағбатлантириш ҳисобидан олинган даромадларни ошириш.

2. *Харид қилиш қобилиятини рағбатлантириш* макроиқтисодий сиёсати: истеъмол бозори инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар; талабнинг харид қобилиятини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар: инфляцияни назорат қилиш, нархларни тўғридан-тўғри тартибга солиш; молиявий сиёсат чоралари ва истеъмолни кредитлашни ривожлантириш.

3. *Истеъмол талаби ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатни аниқлаш асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш* бўйича чора-

тадбирлар: давлат дастурларини ишлаб чиқиш (давлат инвестициялари ҳажмини) режалаштириш; реал секторнинг рақобатбардошлигини ошириш; турли соҳаларда (ички ва ижтимоий соҳаларда) давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини жадал ривожлантириш. Ички истеъмол талабини кенгайтириш учун фойдаланилмаган салоҳиятни фаоллаштириш аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли фаровонлиги ва тўлов қобилиятини яхшилаш, шунингдек, динамик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда аҳоли истеъмолини макроиктисодий прогнозлаштиришнинг услубий ёндашувларини такомиллаштириш ва кенгайтиришга қаратилган қуйидаги тавсия ва таклифлар илгари сурилди:

1. Тадқиқот мақсадига мувофиқ, ўрта ва узоқ муддатли ривожланишни белгилайдиган иқтисодий кўрсаткичлар уйғунлигида аҳоли истеъмол (истеъмол харажатлари) кўрсаткичларини (ЯИМнинг якуний истеъмоли элементи сифатида) оқилона прогнозлаштириш учун модель воситалари ишлаб чиқилган.

2. Аҳоли реал даромадлари ўсиш тенденциялари уй хўжалиги сектори даромаднинг мутлақо бошқа турига эга бўлишини кўрсатди ва истеъмолнинг янги стандартига ўтишни бошлади. Истеъмолдан фойдаланиш бўйича аниқ хизмат соҳасида ўзгаришларни аниқлай оламиз, бу эса кам турмуш даражаси моделидаги барқарор ривожланиш моделига ҳаракатни билвосита тасдиқлайди ва унда таълим ва соғлиқни сақлашга сармоя киритиш учун маневралар мавжуд бўлиб, у мутлақо бошқа турдаги инсон капиталидир. Шундай қилиб, харажатлар таркибида ўзгаришлар турмуш стандартларининг юқори стандартларга етганлигини тасдиқлайди, аммо бу кўрсаткич билан озиқ-овқат сарф-харажатларининг улуши 20 фоиздан кўп бўлмаган Европа мамлакатларидан сезиларли даражада орқада қолмоқдамиз (EUROSTAT, 2013).

3. Бюджетга тушадиган даромадлар ва пенсия тизимини шакллантириш учун бандликдаги норасмий даромадлар жиддий муаммолар туғдирмоқда. Натижада, 2016 йилда ўртача иш билан банд бўлган 13 миллион кишидан даромад солиғи тўловчилар (Пенсия жамғармасига ажратмалар) фақатгина 4 миллион кишини ташкил этади. Бундан ташқари, таҳлил натижалари ҳамда 2013 йилда уй-жой хўжаликларида сўров ўтказиш натижасида олинган маълумотларга кўра, уй хўжаликларининг узоқ муддатга мўлжалланган товарлар билан таъминланиши чакана савдо статистикаси (енгил автомобиллардан ташқари, барча турдаги товарлар учун) бўйича 2,5 баравар паст.

4. Модель хатолари фарқланишини камайтирувчи ностационар динамик қаторларнинг коинтеграциялашуви билан олиб борилган чизикли регрессия моделини баҳолаш натижалари даромаднинг кутилаётган ўсиши истеъмолга таъсири истеъмолни камайтириш стандарт моделидан юқорироқ эканлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, хато тузатиш моделини баҳолаш натижалари истеъмол даромаднинг ўзгаришига нисбатан тезкор жавоб беради ва бу билан аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган чоралар устуворлигини тасдиқлайди.

5. Индивидуал ялпи маҳсулот гуруҳлари бўйича эконометрик баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, моделда хусусий истеъмол қуйидаги асосий статистик кўрсаткичлар билан белгиланади: жорий даромад даражаси, ёш

авлоднинг улуши, фоиз ставкаси ва турмуш даражасининг ўзгариши. Келажакдаги даромадларни кутиш, айниқса, қисқа муддатда муҳим роль ўйнайди.

6. Аҳоли истеъмол харажатлари макро таркиби ўзгаришлари қонуниятларининг тадқиқот натижалари тақдим этилди. AIDS моделида автотранспорт воситаларининг нисбий нархларига бўлган юқори даражадаги боғлиқлик автомобиль нархларининг пасайиши ҳисобига ички талабнинг кенгайиши учун кўшимча имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

7. Иқтисодиётда мультипликатив таъсирни баҳолаш учун ижтимоий ҳисоб матричасини (СМС, SAM) ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш узоқ муддатли ривожланишнинг барча барқарорлик талабларига жавоб берадиган ва тегишли макроиқтисодий моделлар доирасида ривожланишнинг ижтимоий жиҳатларини тадқиқ этишга ёндашадиган макроиқтисодий сиёсатнинг такомиллашган ёндашувларини қўллаш имконини беради.

8. Истеъмол таркибий қисмларининг мультипликатив таъсирини идентификациялаш қуйидагиларни аниқлаш имконини берди:

1) истеъмол қилишга ўртача мойиллик аҳолининг энг камбағал сегментлари учун юқори бўлиб, биринчи гуруҳ даромадларининг ортиши эвазига товар ва хизматларга талаб сезиларли даражада ортиб, ЯИМнинг ўсишига олиб келади;

2) умуман олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши уй хўжаликлари даромадларининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Қуйи квинтиль (I ва II) гуруҳлари даромадларининг ўсишига, асосан, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг динамикаси таъсир қилади;

3) хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати нафақат хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга, балки бошқа секторларни ва умуман иқтисодиётни фаоллаштиришга ҳам таъсир кўрсатади.

9. Умумий мувозанат моделлари ва уларнинг чекловларида (МХТ статистикаси) аҳоли даромад ва харажатлар мувозанатли кўрсаткичларини шакллантириш учун услубий ёндашувларнинг умумий тавсифи ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги сектори энг паст TFP бўлган секторда маҳсулдорликнинг моделлашуви умумий фаровонликнинг энг кўп ўсишини рағбатлантиради. Бинобарин, рақобат, тадбиркорлик, савдо ва молиявий ислохотлар бозорларни ривожлантириш учун сиёсатни мустаҳкамлаш, аввало, аграр секторига қаратилиши керак.

10. SAM матричасини қуриш ва уни кўпайтмалар тизимига айлантириш методологияси мультипликаторлар парчаланишига асосланган репродуктив тизим ва институционал тармоқларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш имконини берди ва шу тариқа экзоген омиллар даромадларнинг ўсиш динамикасига ва аҳолининг айрим квинтиль гуруҳлари истеъмол харажатлари индикаторларга таъсирини прогнозлашга имкон

берди. Ушбу ўзаро муносабатларнинг миқдор жиҳатдан баҳоланиши камбағалларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда (келажакда узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг асосий принципи) келажакка қаратилган прогноз параметрларни ва иқтисодий ривожланиш бўйича давлат сиёсати чораларини ишлаб чиқишга имкон берди.

11. Энг устувор вазифа сифатида ўрта даражада ривожланган мамлакатлар даражасига тўғри келадиган истеъмол даражасига эришиш. Истеъмол қилинадиган харажатларнинг мақсадли таркиби 2014–2017 йиллардаги харажатлар таркибидан сезиларли даражада: ноозиқовқат товарлар ва хизматларнинг каттароқ улуши билан фарқ қилади.

12. Ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш прогнози: охириги пировард истеъмол таркиби ўзгаришининг иқтисодий ўсиш динамикаси ва унинг мувозанати (макроиқтисодий нисбатларга риоя қилиш) муносабатларини баҳолаш асосида ишлаб чиқилган.

13. Истеъмол талабини иқтисодий ўсиш омили сифатида самарали ишлатиш учун давлат сиёсати инфляция ва бошқа макроиқтисодий номутаносибликлар (импортнинг ўсиши, миллий валюта заифлашуви) олдини олиш учун истеъмолни ва параллел равишда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш секторига таъсирни кучайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Биринчи квинтиль даромадларининг ўсиши аҳоли томонидан ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу жумладан, минимал истеъмол савати асосида яшаш минимуми ўта қашшоқлигини баҳолаш учун меъёрни ишлаб чиқиш керак, шунинг учун уй хўжаликларини ўрганиш методологиясини такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда ҳудудлар даражасида уй-жой танламасининг ишончилигини таъминлаш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. I.16.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И БАНКОВСКО-
ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ИНСТИТУТ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИКИ И
ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИБРАГИМОВА НАЙЛЯ МУРАДОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПОТРЕБЛЕНИЯ
НАСЕЛЕНИЯ**

08.00.02-Макроэкономика (экономические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
экономическим наукам

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3PhD/Iqt6.

Диссертация выполнена в Институте прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономики Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bfa.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Каримова Дилдора Мирсабитовна**
доктор экономических наук

Официальные оппоненты: **Усманов Анвар Саидмахмудович**
доктор экономических наук, профессор

Хашимова Наима Абитовна
Доктор экономических наук

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ ч. на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.16.03 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете и Банковско-финансовой академии. Адрес: 100003, г.Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; E-mail: tdiu@tdiu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100003, г.Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; E-mail: tdiu@tdiu.uz.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 г.
(протокол реестра № ____ от « ____ » _____ 2019 г.).

А.Ш.Бекмуродов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

У.В.Гафуров
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

Н.Х.Жумаев
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертационного исследования. В условиях снижения устойчивости темпов роста мирового ВВП в посткризисный период размер потребительского спроса является ключевым фактором экономического роста, восприимчивым к инструментам макроэкономического регулирования. Кроме того, поскольку поворот макроэкономической политики государств в мире в сторону решения вопросов долгосрочного устойчивого развития и повестки дня Целей устойчивого развития (ЦУР) вызвал смещение интереса к социальным и структурным аспектам экономического развития, активно исследуются проблемы анализа динамики и структуры потребления домохозяйств как источника устойчивого развития экономической системы. На международном уровне признано, что для развивающихся стран (с высокой долей теневой экономики) для оценки достижения целей ЦУР оправдан переход от показателей доходов к показателям потребления, поскольку доходы могут служить своего рода только аппроксимацией потребления и являются лишь мерой возможностей человека вести тот образ жизни, который ему больше подходит¹¹.

В мире в последнее время все большее распространение получают подходы, основанные на немонетарных оценках измерения благосостояния и достигнутого уровня жизни, учитывающих не только доходы, но и такие аспекты, как текущее потребление, оснащенность товарами длительного пользования, владение недвижимостью и финансовыми активами, субъективные оценки материального положения. Возросла необходимость разработки комплекса методических подходов к осмыслению изменения потребительских решений домашних хозяйств на базе эмпирической проверки теоретических концепций и условий развития экономической системы. Особую значимость приобретает концептуальная разработка системы инструментов моделирования различных аспектов поведения домохозяйств и получения обоснованных прогнозных оценок для построения целостной картины структурных изменений в экономике во взаимосвязи с потреблением товаров и услуг.

Конечной целью разработки социальной политики в Узбекистане является обеспечение повышения уровня жизни населения. Особое внимание уделяется использованию механизмов адресной социальной поддержки и тем самым стимулированию устойчивого роста благосостояния населения, в частности сокращения дифференциации населения по уровню доходов и душевого фактического потребления. В разработанной в конце 2017 г. «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.», составившей основу Программы Правительства на среднесрочную перспективу, важнейшим приоритетом провозглашается необходимость обеспечения устойчивого

¹¹ Stiglitz, J. E., A. K. Sen and J.-P. Fitoussi (2009). Report by the Commission on the Measurement of Economic Performance and Social Progress

сбалансированного развития социальной сферы¹². Намечено продолжение начатого курса реформирования социальной сферы во взаимосвязи с процессами инновационного развития, модернизации и структурных преобразований в экономике, а также дальнейшее реформирование участия государства в финансировании социальной сферы. Для решения этих задач необходимо использовать более совершенные подходы экономической политики, которые нацелены на долгосрочный экономический рост, соответствующую ему динамику и структуру потребления домохозяйств, и обоснованы расчетами в рамках соответствующих макроэкономических моделей.

Результаты данного диссертационного исследования способствуют реализации поставленных задач в Постановлении от 11 июня 2018 года ПП-3782 «Об организационных мерах по стимулированию обеспечения занятости социально уязвимых слоев населения» и Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 февраля 2016 года ПКМ-55 «О программе развития сферы услуг на 2016-2020 гг.» и от 19 сентября 2017 года ПКМ-74 «О мерах по утверждению новой концепции подведения итогов социально-экономического развития страны», от 20 октября 2018г. ПКМ-841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» и других задач, установленных в нормативно-правовых документах, касающихся данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В процессе подготовки диссертационной работы были изучены научные труды авторов, занимавшихся проблемами определения закономерностей потребительского поведения домашних хозяйств. В целях анализа поведения потребителя исследовали влияние фактора дохода в функциях спроса А.Маршал, Д. Хикс, Дж. Кейнс, М. Фридман, И.Фишер, Ф. Модильяни. Построение функций потребления в рамках модели межвременного выбора на основе временных рядов рассматривали М. Флавин, Р. Холл, О. Бланшар, Дж. Кэмпбелл и Г. Мэнкью, а на данных бюджетных обследований домохозяйств – О. Аттанасио и др., П. Горинчас и Дж. Паркер, Р. Холл и Ф. Мишкин. Среди исследований, посвященных моделированию систем функций спроса на отдельные группы товаров, следует особо выделить работы К. Алмона, Р.

¹² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г., №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Стоуна, Л. Кристенсена, а также работу нобелевского лауреата 2015г. Ангуса Дитона, в которой описана система почти идеальных уравнений спроса (almost ideal demand system, AIDS), позволяющая проводить точную агрегацию спроса домохозяйств.¹³ Различные модификации балансовых моделей потребительских расходов представлены в работах В. Леонтьева, Л. Вальраса, в том числе матричных моделей социальных счетов (СМС) – в работах G. Pyatt, J. Round, S. Robinson, E. Thorbecke, Bottiroli C., Targetti L., Sugata G., Pal S., Jami H., Achjar N., Hewings J., M. Sonis, Dietzenbacher E. и др. Оригинальные балансовые построения экспериментального характера, связанные с макроэкономическим описанием финансовых потоков и построением матриц социальных счетов в странах с переходной экономикой приведены в работах Белоусова А.Р. и Абрамовой Е.А., Михеевой, Абдыкулова Г. М., Клоцвог Ф. Н., Суворова А.В., Захарченко Н. и др.

В Узбекистане аспектам макроэкономического анализа и прогнозирования конечного потребления населения, формирования доходов и повышения уровня жизни населения посвящены исследования различных международных организаций и ряда отечественных ученых Абдурахманова К.Х., Бекмурадова А.Ш., Беркинова Б.Б., Вахабова А.В., Искандарова И.И., Джалилова Х.А., Каримовой Д.М., Касымовой М.С., Махмудова Н.М., Мухитдинова Х.С., Саидовой Г.К., Умурзакова Б.Х., Хакимовой М.А. и др.¹⁴ Проблемами формирования СНС и эконометрических моделей прогнозирования занимались Алимов Р.А., Гайибназаров Б.К., Мурадова Х.М., Муинов Д.А.,¹⁵ Хамираев О.Х., Чепель С.В., Шодиев Т.Ш.

¹³ Deaton A. Demand Analysis // Handbook of Econometrics, Ch. 30. - North-Holland, 1998

¹⁴ Абдурахманов К.Х. Повышение уровня и качества жизни – залог процветания и благополучия страны. Повышение благосостояния населения – залог процветания и благополучия страны: сборник научных трудов. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013 г. – 136 с.; Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. – Т.: 2005. – 310 б.; Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. –Т.: Akademiya, 2007. -198 б.; Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит. – Т.: 6/2011. 38-42 б.; Вахобов. А.В. Денежные доходы и расходы населения в системе макроэкономических показателей развития экономики и роста благосостояния. // Экономический вестник Узбекистана. 2001. № 1 с 11 – 12; Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. – Т.: 2016 йил № 3. 2-8 б.; Джалилов Х.А. Истеъмол сарфлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усуллари тақомиллаштириш (МХТ ассосида) (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент: АН РУз ИЭ, 2004); Каримова Д.М. Формирование механизма социальной стабильности в условиях перехода к рыночной экономике (на примере Республики Узбекистан) (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: АН РУз ИЭ, 2001); Касимова М.С. Развитие социальной сферы Узбекистана (дисс. Ташкент-1993); Мухитдинов Х.С. Баҳо нобарқарорлигида аҳоли истеъмол харажатлари ва даромадлари даражасининг таҳлили ва прогнози; Мухитдинов Х.С. Худуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: «ФАН», 2009. 12 б.; Саидова Г.К. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы // Экономическое обозрение. – Ташкент, 1998. - № 1. – 15 с.; Саидова Г.К. Потребительский рынок и тенденции его развития в условиях перехода к рыночным отношениям (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: ТГЭУ, 1992. – 45 с.); Умурзаков Б.Х. Совершенствование системы социальной защиты нетрудоспособных слоев населения Республики Узбекистан в условиях формирования рыночной экономики (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент.: АН РУз ИЭ, 1995); М.А. Хакимова. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Ташкент.: ТГЭУ, 2000. – 38 с.).

¹⁵ Р.А. Алимов. Методологические проблемы построения системы национальных счетов Республики Узбекистан (дисс. Ташкент-1993); Гайибназаров Б.К. Проблемы формирования сектора домашнего хозяйства и их решение в рамках системы национального счетоводства Узбекистана (Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент.: АН РУз ИЭ, 1997. – 22 с.); Мурадова Х.М. Анализ национальных счетов и тенденций развития СНС в Узбекистане. Доклад ЦЭИ 2001/09; Муинов Д.А. Стратегия развития промышленности Узбекистана на период до 2010 года Ташкент.: 1997, ЦЭЭП при Минэкономики РУз.– 22 с. (Глава III. Методические подходы оценки отраслевых приоритетов развития промышленности с использованием модели МОБ СНС); О.Х. Хамираев. Пропорциональность национальной экономики и механизм её регулирования (дисс. Ташкент - 1994); С.В.Чепель. Проблемы макроэкономического регулирования и прогнозирования в условиях перехода к рынку (Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1996. – 43 с.; Шодиев Т.Ш. и др. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.

Несмотря на полученные теоретические и методологические результаты, ранее практически не было исследований, направленных на разработку моделей прогнозной динамики и структуры потребительских расходов на новой теоретическо-методологической базе и комплексе данных макроэкономической статистики, в том числе с учетом распределения населения по доходу и рыночных механизмов регулирования проблем макроэкономической сбалансированности (в рамках моделей общего равновесия), обеспечивающих комплексный подход к обоснованию стратегии и механизма расширения потребления населения в увязке с макроэкономическим регулированием.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертационная работа. Данная диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института прогнозирования и макроэкономических исследований в рамках проектов: А2-022 «Прогнозирование макроэкономических индикаторов и разработка сценарных вариантов социально-экономического развития Узбекистана на среднесрочный и долгосрочный периоды с учетом внешних факторов и рисков» (2012-2014 гг.), А-2-139 «Прогнозирование сценарных вариантов и разработка стратегических направлений по обеспечению устойчивого развития экономики Узбекистана на основе перехода к инклюзивному экономическому росту» (2015-2017 гг.), А-2-149 «Среднесрочная и долгосрочная стратегия устойчивого развития сферы услуг и туризма» (2015-2017 гг.).

Целью исследования является разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию методических подходов макроэкономического прогнозирования потребления населения.

Задачи исследования:

проведение сравнительного анализа современных теоретико-методологических подходов и методов оценки взаимосвязей конечного потребления с макроэкономическими и социальными показателями;

комплексное изучение теорий формирования потребительского спроса и тестирование приемлемости их гипотез в условиях национальной экономики;

решение методологических проблем построения равновесной модели конечного спроса населения и предложения товаров и услуг в рамках модели матриц социальных счетов;

разработка методических подходов к оценке прогнозных параметров потребительского спроса по видам расходов на товары и услуги в разрезе дифференцированных доходных групп на среднесрочную и долгосрочную перспективу для учета интересов малообеспеченных слоев населения;

